

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2020 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ИЮНЬ**

Тошкент – 2020

СЎЗ БОШИ

Тошкент шаҳрининг статистик ахборотномаси – Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йил январь-июнь ойлари яқунлари бўйича Тошкент шаҳрининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,Д,Е,Ғ секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, ташки иқтисодий алоқа, саноат, инвестиция ва қурилиш, транспорт, товар ва хизматлар бозори, демография ва меҳнат бозорларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	йўловчи/км	–	йўловчи-километр
м.	–	метр	1) , 2) 3) , ,	–	изоҳнинг мавжудлиги

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	10
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	11-15
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш	11
ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари	12
Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби	13
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	14
Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши	15
II. САНОАТ	16-37
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби	16-18
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми	19-27
Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми	28
Ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	28
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	29
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати	29
Ҳудудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	30
Ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси	30-31
Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси	31
Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши	31
Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши	32-33
Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари	33-34
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	35
Маҳаллийлаштириш дастурининг жами ишлаб чиқариш ҳажмида туманларнинг улуши	36
Статистик кўрсаткичларга тушунтириш	37
III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	38-52
Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	38
Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг ҳудудларбўйича тақсимланиши	39
Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши	40
Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши	41
Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган	41

Номи	бет.
молиялаштириш манбалари	
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари	42
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби	43
Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби	44
Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби	45
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар	46-47
Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби	47
Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар	47
Ўдудларда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар	48-49
Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби	49
Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши	50
Қурилиш ишлари	50
Туманлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати	50
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти	51
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари	52
IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)	53-60
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши	53-54
Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши	54
Ўдудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати	54
Ўдудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати	55
Ўдудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қурилиш соҳаси улуши	56
Ўдудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да инвестиция соҳаси улуши	57
Ўдудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати	58
Кичик тадбиркорликнинг ўдудлар ва асосий тармоқлар бўйича улуши	59
Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни тармоқлар кесимида баҳолаш	60
Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболлини баҳолаши	60

Номи	бет.
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	61-67
Иқтисодий фаолият турлари бўйича йирик тижорат ташкилотларининг якуний молиявий натижалари	61
Йирик тижорат ташкилотларининг ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари	62
Иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	63-64
Ҳудудлар кесимида зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	65
Йирик тижорат корхоналарида иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби	66
Йирик тижорат корхоналарида иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби	67
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ	68-79
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши	68
Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	68
Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши	69
Ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг тақсимооти	70
Корхона ва ташкилотлар сони	71-72
Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони	73
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар туманлар кесимида	74
Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар	75
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	75
Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар	76-77
Оилавий корхоналар сони	78
Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг улуши	79
VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ	80-89
Чакана савдо товар айланмаси таркиби	80-81

Номи	бет.
Ҳудудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши	82
Ҳудудларнинг умумий овқатланишдаги улуши	83
Чакана савдо товар айланмаси	84
Ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмаси улуши	85
Улгуржи савдо товар айланмаси	85-86
Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси	87
Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси	88
Йирик корхоналарнинг умумий овқатланиш товар айланмаси	89
VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	90-101
Ташқи савдо айланмаси	90
МДҲ ва бошқа давлатларнинг Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасидаги улуши	91
Ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар	92
Ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар ҳажми	93
Экспорт таркиби	94
Импорт таркиби	95
Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби	96
Товар ва хизматларнинг импорт таркиби	97
Ҳудудлар кесимида товар ва хизматларнинг экспорт таркиби фоизда	98-99
Ҳудудлар кесимида товар ва хизматларнинг импорт таркиби фоизда	100-101
IX. ТРАНСПОРТ	102-103
Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми	102
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	103
X. ХИЗМАТЛАР	104-123
Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг	104
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларининг ҳажми	105
Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби	106
Ҳудудлар кесимида савдо хизматларнинг ҳажми	107
Савдо хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши	108
Туманлар бўйича савдо хизматларнинг ҳажми	109
Транспорт хизматларининг таркиби	110
Туманлар кесимида транспорт хизматларнинг ҳажми	111

Номи	бет.
Транспорт хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши	112
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	113
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ўсиш суръати	114
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби	115
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларнинг умумий ҳажмида	116
Молиявий хизматларнинг ўсиш суръатлари	117
Молиявий хизматларнинг таркиби	118
Ҳудудлар кесимида молиявий хизматлар ҳажми	119
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	120
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмини таққослаш	120
Ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор	121
Хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши	122
Туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари	123
XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	124-133
Туманлар бўйича доимий аҳоли сони	124
Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши	125
Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари ва коэффицентлари	126
Аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари	126
Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши	127
Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралишлар коэффицентлари	128
Никоҳ ва ажримлар сони	129
Ҳудудлар кесимида никоҳлар сони бўйича тақсимланиши	130
Ҳудудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони бўйича тақсимланиши	130
Аҳоли миграцияси	131
Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатлари тўғрисида маълумот	132
Маъмурий-ҳудудий бўлинмалар	133
XII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	134-136
Тошкент шаҳри бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	134
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик	135-136

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2020 йил январь-июнь ойлари**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2019 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	40797,7	99,5
Саноат маҳсулоти	29521,8	98,8*
Истеъмол товарлари	10840,6	100,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	17755,3	89,9
Қурилиш ишлари	8596,6	101,2
Юк айланмаси (млн. тн-км)	872,6	95,2
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	4641,1	87,3
Чакана товар айланмаси	20018,4	103,7
Хизматлар, жами	37111,2	108,1
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл.)	5441,6	87,9
Экспорт	1257,3	88,5
Импорт	4184,2	87,8
Сальдо (+;-)	-2926,9	87,4

* Маҳсулотнинг физик ҳажми 2020 йил январь-июнь (2019 йил январь-июнга нисбатан)


I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 40797,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 99,5 фоизга тенг бўлди.

Январь-июнь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш

	<i>млрд. сўм</i>		<i>2019 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	36787,3	40797,7	99,5
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	32526,1	36897,1	99,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	4261,2	3900,6	99,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	32526,1	36897,1	99,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	15484,2	17328,2	99,3
Саноат	12111,0	13626,0	98,8
Қурилиш	3373,2	3702,2	101,2
Хизматлар	17041,9	19568,9	99,8
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5569,8	6536,7	100,6
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	4222,4	4571,8	101,0
Бошқа хизматлар	7249,7	8460,4	98,5

ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
(2020 йил январь-июнь ойларида)



Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш индекси – 98,8 % ни ташкил этиб (ЯХМ таркибидаги улуши 36,9 %), қурилиш – 101,2 % (10,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 100,6 % (17,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 101,0 % (12,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 98,5 % (23,0 %) ни ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
январь-июнь ойларига
(жамига нисбатан фоизда)**

2019 йил январь-июнь



2020 йил январь-июнь




- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар


2020 йил январь-июнь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 17,7 % ни (2019 йил январь-июнда 17,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 12,4 % ни (2019 йил январь-июнда 13,0 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 23,0 % ни (2019 йил январь-июнда 22,3 %) ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби,
январь-июнь ойларида
(жамига нисбатан фоизда)

2019 йил январь-июнь



2020 йил январь-июнь




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 90,4 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 9,6 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 46,9 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 53,1 % ни ташкил этди.


2020 йил январь-июнь ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 15708,3 минг сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (3,3) фоизга камайди. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллашиши оқибатида ЯХМда кичик бизнеснинг улуши 48,4 фоизни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуши
(2020 йил январь-июнь ойлари, жамига нисбатан улуши)



Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳрининг қўшган ҳиссаси 17,9 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,8 пунктга ошган.

Ялпи ички маҳсулотда Тошкент шаҳрининг улуши, фоизда




II. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 29521,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 98,8 % ни ташкил этди.

Ҳисобот йилида 10840,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-июнига нисбатан ўсиш 100,6 фоизни ташкил этди. Жумладан, 4114,6 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 6108,8 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январь-июнь нисбатан мос равишда 105,7 фоиз ва 97,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 98,8 % га, тоғ-кон ва очик конларни ишлаш саноати 95,0 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 88,8 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 164,0 % га ўсишини кўришимиз мумкин.

Январь-июнь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби (млрд. сўмда)



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати


Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 20782,9 млрд. сўмни ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш индекси 102,0 % ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан автотранспорт воситалар, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш 10,1 % га, асосий фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш 3,9 % га камайган бўлса, пластмас ва резина маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4,9 % га, ичимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4,1 % га ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 5,6 % ни, ўрта-юқори технологияли 22,4 %, ўрта-қуйи технологияли 29,5 %, қуйи технологияли 42,5 % ни ташкил этди.

Январь-июнь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда



Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-июнь ойларида Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 6136,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш индекси 95,0 % ни ташкил қилди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича табиий газ ва хом нефт қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига 2,2 % га ошган, бошқа тоғ-кон саноати фаолияти эса 40,6 % га камайганини кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 2222,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 7,5 % ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 64,0 % га кўпайган.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 379,3 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 1,3 % ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2020 йил январь-июнь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,0 % га камайган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини
ишлаб чиқариш ҳажми**
(2020 йил январь-июнь ойларида)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	29521,8	98,8
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	6136,9	95,0
Хом нефть ва табиий газ	6049,7	102,2
Бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш маҳсулотлари	75,4	140,6
Фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги хизматлар	11,5	90,7
Ишлаб чиқарадиган саноат	20782,9	102,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3501,7	128,9
Ичимликлар	1406,2	104,1
Тамаки маҳсулотлари	80,3	180,8
Тўқимачилик маҳсулотлари	1424,4	124,1
Кийимлар	599,9	119,4
Чарм ва чармдан маҳсулотлар	60,1	48,8
Ёғоч ҳамда ёғоч ва пўқакдан ясалган буюмлар (мебелдан ташқари); похолча ва тўқиш учун материаллардан ясалган буюмлар	245,6	70,1
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари	471,6	103,8
Нашр қилиш хизматлари ва ёзилган материалларни акс эттириш бўйича хизматлар	426,5	69,3
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари	80,5	134,9


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Кимё маҳсулотлари	988,8	127,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва фармацевтика препаратлари	587,1	103,9
Резина ва пластмасса буюмлар	1292,9	104,9
Бошқа нометалл минерал буюмлар	1337,0	149,6
Асосий металллар	1715,0	103,7
Машина ва асбоб-ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар	1264,6	113,7
Компьютерлар, электрон ва оптик ускуналар	570,5	82,3
Электр ускуналар	1966,2	86,7
Бошқа гуруҳларга киритилмаган машиналар ва ускуналар	1361,4	56,5
Автотранспорт воситалари, прицеплар ва ярим прицеплар	127,2	89,9
Бошқа транспорт воситалари ва ускуналар	212,9	80,4
Мебель	376,2	119,9
Бошқа маҳсулотлар	248,4	104,2
Машиналар ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш бўйича хизматлар	438,7	99,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	2222,7	164,0
Электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво	2066,5	168,6
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	379,3	88,0
Табийий сув, сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар	118,3	82,9

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Канализация тизими	0,3	70,0
Чиқиндиларни йиғиш, ишлов бериш, йўқотиш, утилизация қилиш	260,3	75,5
Тиклаш ва чиқиндиларни йўқотиш соҳасидаги бошқа хизматлар	0,4	64,9
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	10840,6	100,6
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	4114,6	105,7
ноозик-овқат товарлари	6108,8	97,7
Ароқ ва шароб маҳсулотлари	617,1	97,8

Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида 16088,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,8 % ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 9152,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 31,0 % ни ташкил этди, нодавлат секторида 20369,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 69,0 % ни ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ва нодавлат секторларида фоиз ҳисобида



Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.



Тармоқ корхоналари томонидан 2020 йил январь-июнь ойларида 16088,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 % ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти саноат ишлаб чиқариш индекси 95,0 % ни, қайта ишлаш саноати 102,0 % ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 164,0 % ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш билан бўйича хизматлар 88,0 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини
ишлаб чиқариш (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)**

2019 йил январь-июнь

2020 йил январь-июнь



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш ҳажми
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2020 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнга, нисбатан % да
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш			
Нефть	Минг тн	298,8	112,2
Газ конденсанти	Минг Тн	385,8	58,2
Табиий газ	Млн. куб.м	17706,1	87,3
Чақик тош	Тонна	128785,1	89,5
Шағал	Тонна	12792,6	15,5

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь-июнь</i>	<i>2019 йил январь-июнга, нисбатан % да</i>
Қайта ишлаш саноати			
Бошқа қаттиқ чиқиндилар	<i>Тонна</i>	5968,0	2,7 м.
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	<i>Тонна</i>	1380,0	2,7 м.
Маргарин ва спредлар	<i>Тонна</i>	2545,0	46,4
Уруғлик пахта чигити	<i>Тонна</i>	1383,5	-
Арок	<i>Минг литр 100% спирт</i>	10476,9	120,2
Коньяк спирти	<i>Минг литр 100% спирт</i>	3234,2	8,3 м.
Узум виносини дистиллаш ёки узумни сиқиш натижасида олинган спирт настойкалари	<i>Минг литр 100% спирт</i>	471,2	83,7
Табий оқ ва қизил десерт узум винолари	<i>Минг литр</i>	292,8	61,3
Пиво	<i>Минг литр</i>	29468,1	114,7
Тамакидан тамаки маҳсулотлари	<i>Минг дона</i>	607,0	128,1
Пахтадан йигирилган ип	<i>Тонна</i>	712,0	74,7
Машинада ёки қўлда тўқилган тукли ва пахмоқ трикотаж полотнолар,	<i>Тонна</i>	96,2	4,6
Дафтарлар	<i>Тонна</i>	117,8	62,3
Бошқа гуруҳларга киритилмаган, пластмассадан бошқа ғовак плиталар, листлар, плёнка, зарқоғоз ва тасмалар	<i>Тонна</i>	250,0	125,0
Китоблар, география хариталар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари, репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, открыткаларни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>Минг сўм</i>	63258172,4	47,7

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь-июнь</i>	<i>2019 йил январь-июнга, нисбатан % да</i>
Газеталарни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>Минг сўм</i>	15034955,0	97,5
Босиб чиқарилган почта ва гербли маркалари, титул хужжатлари, микропроцессор карточкалари, чеклар ва бошқа қимматли қоғозлар ва шу кабиларни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>Минг сўм</i>	118692528,0	97,8
Ҳафтада тўрт мартадан кам чиқадиган журналлар ва даврий нашрларни босиб чиқариш бўйича хизматлар	<i>Минг сўм</i>	8917392,0	67,7
Суюлтирилган пропан ва бутан	<i>Минг тонна</i>	246,4	93,5
Техник олтингурут	<i>Тонна</i>	139616,0	89,3
Бошқа гуруҳларга киритилмаган мураккаб органик эритувчилар ва суюлтиргичлар	<i>Тонна</i>	17,0	18,7
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар, сув муҳитида	<i>Тонна</i>	6080,0	91,8
Бошқа гуруҳларга киритилмаган сувсиз муҳитдаги бошқа синтетик полимерлар асосидаги бўёқлар ва лаклар	<i>Тонна</i>	3798	78,0
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	<i>Минг литр</i>	8043,0	112,1
Провитаминлар, витаминлар ва уларнинг ҳосилалари	<i>Тонна</i>	9,4	43,9
Чакана савдо учун қадоқланган ёки дозаларга бўлинган, таркибида пенициллин ёки унинг ҳосилалари бўлган, пенициллан кислотаси тузилмасига эга ёки таркибида стрептомицин ёки унинг ҳосилалари бўлган медикаментлар	<i>Тонна</i>	56,6	4,8 м
Таркибида гормон ва антибиотиклар мавжуд бўлмаган медикаментлар	<i>Тонна</i>	9040,2	101,8
Чакана савдо учун қадоқланган, таркибида бошқа антибиотиклар бўлган медикаментлар	<i>Тонна</i>	1650,7	54,1


	Ўлчов бирлиги	2020 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнга, нисбатан % да
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	Тонна	163155,6	81,6
Бутилкалар	Минг дона	118004,9	142,0
Пўлатдан ташқи диаметри 406,4 мм дан катта, думалоқ кесимли пайвандланган нефт ва газ қувурлари	Тонна	7931,0	87,1
Мис сим	Тонна	8519,0	121,4
Алюминийдан электр изоляциясиз ўралган сим, пўлат арқонлар, тўқилган шнурлар ва шу каби буюмлар	Тонна	689,6	2,8 м.
Темир ёки пўлат симдан матолар, панжаралар, тўрлар ва тўсиқлар	Тонна	2390,8	207,3
Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ёки ўрмон хўжалигида ишлатиш учун дастаки асбоблар	Тонна	0,3	83,9
Буғ қозонлари ёки бошқа буғ генератор қозонлар; буғ қиздиргичли сув қозонлари	Тонна	2,3	155,9
1 кВ дан ортиқ бўлмаган кучланиш учун автоматик ўчирувчилар	Тонна	88,5	3,5 м.
Изоляцияланган ўраш симлари	Тонна	1825,3	60,4
Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлган (юқори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари	Тонна	1183,0	99,2
Тракторлар	Дона	630	-
Телефон ёки телеграф алоқаси электр аппаратурасининг қисмлари	Дона	15669,0	156,6
Суюқликларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш учун марказдан қочирма чўқтирма насослар	Дона	67,0	17,8
Сеялкалар	Дона	120,0	55,3

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь-июнь</i>	<i>2019 йил январь-июнга, нисбатан % да</i>
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Электрэнергия	<i>Млн.кВт соат</i>	131,8	79,9
Иссиқлик энергияси	<i>Минг Гкал</i>	7482,8	106,6
Электр энергиясини узатиш бўйича хизматлар	<i>Минг сўм</i>	581398,0	3,1м.
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш			
Табиий сув, сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар	<i>Минг сўм</i>	80408417,0	100,5
Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар	<i>Минг сўм</i>	35445189,0	76,61
Хавфсиз чиқиндиларни йиғиш хизмати	<i>Минг сўм</i>	46674474,0	100,3
Зарарсиз метал чиқиндилари	<i>Тонна</i>	3545	94,9
Бошқа гуруҳларга киритилмаган, қайта фойдаланишга яроқли йиғилган бошқа хавфсиз чиқиндилар	<i>Тонна</i>	433,5	113,6
Юк ортиш станцияларининг қайта фойдаланишга яроқсиз хавфсиз чиқиндилар билан боғлиқ хизматлари	<i>Минг сўм</i>	1833609,0	98,9
Хавфли (заҳарли) кимёвий чиқиндилар	<i>Тонна</i>	219,2	105,7
Бирламчи элементларнинг, бирламчи элементлар батареяларининг, электр аккумуляторларнинг чиқиндилари ва парчалари	<i>Тонна</i>	24,0	22,0
Пахта толасига ишлов бериш бўйича хизматлар	<i>Минг сўм</i>	141262,8	1,4

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 28,9 % улушини), Миробод тумани (10,3 %), Бектемир тумани (9,2 %), Мирзо Улуғбек тумани (7,9 %), Сергели тумани (7,9%), Олмазор тумани (7,4 %), Юнусобод тумани (6,5 %) ҳиссасига тўғри келади. Шунинг билан бирга, энг кам улуш Шайхонтоҳур (6,1 %), Чилонзор (5,8 %), Учтепа (5,3 %), Яккасарой (4,8 %) туманларига тўғри келади.

Худудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, *фоизда* (январь-июнь)




Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ва туманларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотини ҳажмини туманлараро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, худудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, жорий йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотини ишлаб чиқарилиши 29521,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 98,8 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 11366,9 минг сўми ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 96,0 % га етказилганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, Тошкент шаҳрида истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 10840,6 млрд. сўми ташкил этиб, Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон бошига 4174,0 минг сўми ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 97,7 % га етказилганлигини кузатишимиз мумкин.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан (0,6 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 36,7 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда (январь-июнь)




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4114,6 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 38,0 %, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6108,8 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 56,4 %, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 617,1 млрд. сўм ҳисобланиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 5,7 % ни ташкил этди.

**Худудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
ҳажмидаги улуши, фоизда**




**Худудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси, фоизда
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан)**



Худудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари, фоизда

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан)



Бунда, Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришнинг энг катта ўсиш суръатлари Бектемир тумани (108,8 %), Юнусобод тумани (108,6 %) ва Сергели туманларида (108,3 %) кузатилмоқда. Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг кичик ўсиш суръатлари Олмазор тумани (94,9 %), Яккасарой тумани (91,9 %) ва Мирзо Улуғбек туманларида (90,7 %) кузатилган.


Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш таъминланди. Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 38,8 % ни ташкил этган.

Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда (январь-июнь)

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Олмазор тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 79,2 %), Чилонзор (74,6 %), Сергели (71,1 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичик улуши Шайхонтохур (31,6 %), Миробод (19,2 %), ва Яшнобод (17,0 %), туманларида кузатилди.

2020 йил январь-июнь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами sanoat махсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда




Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар махсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 10041,4 млрд. сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 46,3 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 34,0 % ни ташкил қилди.

Қўшма корхоналар томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган sanoat махсулотининг Республика sanoat ишлаб чиқаришидаги улуши 6,0 % ни ташкил этди, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида махсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.


Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда.




Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 15 мингга яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 2074 та корхона жами фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг (13,9 %) Олмазор туманига, 1882 та корхона (12,6 %) Чилонзор туманига, 1807 та корхона (12,1 %) Учтепа туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик
(2020 йил 1 июль ҳолатига)



Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик
(2020 йил январь-июнь)




2020 йил январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида 958 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 37,9 % Олмазор, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари
(2020 йил январь-июнь)**

	<i>Лойиҳалар сони, бирликда</i>	<i>Ишлаб чиқариш ҳажми, млн. сўм</i>	<i>Экспортга сотилган маҳсулот ҳажми, минг АҚШ доллари</i>	<i>Янги ташкил қилинган иш ўринлари сони, бирликда</i>
Жами:	175	2949120,1	36466,5	514
<i>шундан;</i>				
Бектемир	17	45497,1	530,4	1
Мирзо Улуғбек	30	215174,1	416,4	38
Миробод	14	179123,8	136,2	3
Олмазор	17	46953,7	1300,8	23
Сергели	37	1184446,5	14071,9	7
Учтепа	11	31112,7	91,8	10
Чилонзор	9	183883,7	12274,3	2
Шайхонтоҳур	4	1736,6	-	1
Юнусобод	2	8803,0	-	-
Яккасарой	18	22993,0	-	1
Яшнобод	16	1029395,9	7644,7	428

Маҳаллийлаштириш дастурининг жами ишлаб чиқариш ҳажмида
туманларнинг улуши, *фоизда*



Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, ўзининг носаноат бўлинмаларига ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади; ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар);

Саноат ишлаб чиқаришда ўзгариш индекслари – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир; Истеъмол моллари – асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади;

Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариш ҳажми – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот;

Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гуруҳлаш Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.


Маҳаллийлаштириш даражаси – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; Маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди; маҳсулот сотиш ҳажми – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва акциялар бундан мустасно);

Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.

III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

Жорий йилнинг январь–июнь ойларида Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 17755,3 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 89,5 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръати
(январь-июнь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Юнусобод тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 17,7 % ўзлаштирилди.

Шунингдек, Шайхонтохур тумани жами инвестициялар ҳажмидан 16,6 % ни, Миробод тумани 10,1 % ни ташкил этмоқда.

Яшнобод тумани 8,2 % ва Мирзо Улуғбек туманида ушбу кўрсаткич мос равишда 8,1 % ни ташкил этди.

Сергели ҳамда Учтепа туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг Тошкент шаҳридаги улуши 5,5 % ва 4,9 % ни ташкил этди.

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг ҳудудлар
бўйича тақсимланиши (январь-июнь)**

млн. сўм

	<i>Жами инвестициялар</i>	<i>Марказлашган</i>	<i>Марказлашмаган</i>
Тошкент шаҳри	17755309,0	2420729,4	15334579,6
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	576842,6	10430,9	566411,7
Мирзо Улуғбек	1436911,5	113072,5	1323839,0
Миробод	1791942,0	202890,8	1589051,2
Олмазор	1595686,0	219365,4	1376320,6
Сергели	984838,7	163678,2	821160,5
Учтепа	867900,8	300506,3	567394,5
Чилонзор	1585988,8	309582,2	1276406,6
Шайхонтоҳур	2950178,2	614320,5	2335857,7
Юнусобод	3147525,8	397084,0	2750441,8
Яккасарой	1370391,2	42755,8	1327635,4
Яшнобод	1447103,4	47042,8	1400060,6

Марказлашган инвестицияларнинг асосий капиталга ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Учтепа тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами марказлашган асосий капиталга инвестицияларнинг 34,6 % ўзлаштирилди.

Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани жами инвестициялар ҳажмидан 20,8% ни, Сергели тумани 16,6 % ни ташкил этмоқда.

Марказлашмаган инвестицияларнинг асосий капиталга ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Бектемир тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами марказлашган асосий капиталга инвестицияларнинг 98,2 % ўзлаштирилди.


Шунингдек, Яшнобод тумани жами инвестициялар ҳажмидан 96,7 % ни, Яккасарой тумани 96,9 % ни ташкил этмоқда.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар
(январь-июнь)


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	17755,3	89,5	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	2420,7	83,0	13,6
бюджет маблағлари	1140,7	76,5	6,4
Давлат мақсадли жамғармалари	44,3	140,3	0,2
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	205,0	26,1	1,2
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	1030,7	169,9	5,8
Марказлашмаган инвестициялар:	15334,6	90,6	86,4
корхона маблағи	7802,1	113,3	43,9
аҳоли маблағи	484,9	46,3	2,7
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	4240,6	125,0	23,9
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	2807,0	50,0	15,9

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда

2019 йил январь-июнь




2020 йил январь-июнь



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2420,7 млрд. сўм ёки 83,0 % (жами инвестициялар ҳажмининг 13,6 % га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15334,6 млрд. сўм ёки 90,6 % (жами инвестициялардаги улуши 86,4 %).

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари




Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбаларининг жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 43,9 %), тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кафолатланмаган кредитлар (23,9 %) ҳисобига тўғри келди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда (январь-июнь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4933,8 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 27,8 % ўзлаштирилган.

Кейинги ўринда алоқа ва ахборотлаштириш тармоғи бўлиб, жами молиялаштириш манбаи ҳисобидан 1571,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 8,8 % ўзлаштирилган.


Саноат тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури куйидагилар:

- Металлургия саноати 1230,5 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 6,9 %);

- Озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки ишлаб чиқариш 692,1 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 3,1 %).

- Бошқа метал бўлмаган минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш 328,1 млрд. сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 1,8 %);

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби




Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Тошкент шаҳри бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 33,5 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 56,3 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 10,2 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари
бўйича технологик таркиби
(январь-июнь)**

	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	17755,3	2101,3	15654,0
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>	100,0	11,8	88,2
Қурилиш – монтаж ишлари	5945,4	1156,6	4788,8
Машина, ускуна, инвентар	9987,5	885,9	9101,6
Бошқа харажатлар	1822,4	58,8	1763,6


**Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби, фоизда
(январь-июнь)**



■ Машиналар, ускуналар, инвентарлар ■ Қурилиш монтаж ишлари ■ Бошқа харажатлар

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Қурилиш – монтаж ишлари бўйича Бектемир туманида 73,5 % ни, Юнусобод туманида 68,8 % ни, Учтепа туманида 66,2 % ни ҳамда Яшнобод туманида 62,6 % ни ташкил этди. Машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар бўйича Чилонзор туманида 48,6 % ни, Шайхонтохур туманида 42,3 % ни, Олмазор туманида 38,4 % ни ҳамда Мирзо Улуғбек туманида 34,1 % ни ташкил қилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб
чиқариш таркиби, фоизда
(январь-июнь)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида: Янги қурилиш бўйича Чилонзор туманида 61,4 % ни, Олмазор туманида 44,6 % ни, Сергели туманида 42,1 % ни ҳамда Юнусобод туманида 39,8 % ни ташкил этди. Кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қайтақурулантириш бўйича Шайхонтохур туманида 37,9 % ни, Яшнобод туманида 36,5 % ни, Бектемир тумани 36,2 % ни ҳамда асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида бошқалар йўналишида Миробод туманида 52,2 % ни ва Бектемир туманида 44,0 % ни ташкил қилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар
(январь-июнь)**

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан улуши, % да	
		2019 й.	2020 й.
Асосий капиталга инвестициялар - жами	17755,3	100,0	100,0
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	155,7	0,5	0,9
Тоғ - кон саноати	94,8	5,7	0,5
Ишлаб чиқариш саноати	4933,9	23,0	27,8
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1034,5	3,4	5,8
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	74,9	0,3	0,4
Қурилиш	1255,9	5,4	7,1
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	765,4	5,4	4,3
Ташиш ва сақлаш	972,4	21,6	5,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	628,5	1,3	3,5
Ахборот ва алоқа	1571,3	3,2	8,8
Молия ва суғурта фаолияти	614,2	1,8	3,5
Профессионал, илмий ва техник фаолият	601	1,8	3,4
Таълим	340,5	0,5	1,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1158,4	1,2	6,5
Бошқа фаолият турлари	3553,9	24,9	20,1

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: Ишлаб чиқариш саноати 4933,9 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 23,6 %), озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 692,0 млрд. сўм (3,9 %), металлургия саноати ишлаб чиқариш фаолияти турида 1230,5 млрд. сўм (6,9 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 92,5 млрд. сўм (0,5 %), бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 328,1 млрд. сўм (1,8 %), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқариш саноатида 227,8 млрд. сўм (1,3 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 187,5 млрд. сўм (1,1 %), қурилиш фаолияти турида 1255,9 млрд. сўм (3,8 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 972,4 млрд. сўм (17,3 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 765,4 млрд. сўм (7,7 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 1571,3 млрд. сўм (2,7 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 1158,4 млрд. сўм (3,5 %), таълим соҳасида 340,5 млрд. сўм (1,4 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 1188,4 млрд. сўм (6,7 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга
инвестициялар таркиби, фоизда
(январь-июнь)**



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2020 йил январь-июнь ойларида 5271,3 млрд. сўм ёки 2019 йил январь-июнь ойларига нисбатан 144,4 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 29,7 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Шайхонтоҳур туманида 31,8 %, Юнусобод туманида 16,6 %, Яшнобод туманида 10,3 % кузатилди.

Худудларда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар
(январь-июнь млрд. сўм)


	<i>Жами хорижий инвестиция ва кредитлар</i>	<i>шу жумладан:</i>		<i>Тўғридан-тўғри ва бошқа инвестиция ва кредитлар</i>	<i>шу жумладан:</i>	
		<i>инвестиция</i>	<i>кредит</i>		<i>инвестиция</i>	<i>кредит</i>
Тошкент ш.	5271,3	2634,0	2637,3	3146,0	1539,6	1606,4
<i>туманлар:</i>						
Бектемир	112,4	67,6	44,8	78,4	33,6	44,8
Мирзо Улуғбек	286,1	275,5	10,6	86,2	86,2	0,0
Миробод	100,1	100,1	-	39,4	39,4	-
Олмазор	312,2	237,0	75,2	110,6	66,7	43,9
Сергели	182,3	78,5	103,8	117,6	14,0	103,6
Учтепа	177,3	53,0	124,3	15,5	0,6	14,9
Чилонзор	595,4	104,2	491,2	503,5	80,5	423,0
Шайхонтохур	1675,3	975,6	699,7	1091,9	928,7	163,2
Юнусобод	874,6	204,8	669,8	483,3	71,8	411,5
Яккасарой	361,6	350,1	11,5	118,7	116,0	2,7
Яшнобод	594,0	187,6	406,4	500,9	102,1	398,8

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш
(млрд. сўм)



Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йилнинг январь-июнида 5271,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 144,4 % ни ташкил қилди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, фоизда



Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар энг кўп ўзлаштирилди: Ишлаб чиқариш саноати 58,3 % ни ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 897,9 % ни ташкил қилди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар кам ўзлаштирилди: улгуржи ва чакана савдо 2,3 %, ахборот ва алоқа 2,2 %, тоғ-кон саноати 0,1 % ни ташкил қилди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши


Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 164,4 минг кв.м. бўлган 664 та турар жой объекти янги қурилиб ишга туширилган.

Ишга туширилган турар жойларнинг ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи Олмазор туманида ишга туширилган 34,8 минг кв.м ва у шаҳар бўйича ишга туширилган жами умумий майдоннинг 21,2 % ни ташкил этди. Кейинги ўринларда, Сергели туманлари эгаллаган бўлиб, шаҳар бўйича ишга туширилган 22,7 минг кв.м жами умумий майдоннинг 13,8 % ни ташкил этишган.

Қурилиш ишлари


Жорий йилнинг январь-июнь ойларида 8596,5 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 101,2 % қурилиш ишлари бажарилди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг ўсиш суръати, фоизда (январь-июнь)




Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги туманларда кузатилди: Юнусобод туманида 102,3 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 29,7 % пунктга камайди, мос равишда, Олмазор, Шайхонтоҳур туманларида 102,3 % ва 101,5 %дан бўлиб (28,6 % ва 29,3 % пунктга), Миробод тумани 101,2 %, Яшнобод тумани 101,1 % дан бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29,9 % ва 30,2 % пунктга камайди. Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 8352,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,2 фоизни ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои
(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари
(млрд. сўм)



- Бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари
- Фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари
- Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 59,9 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 17,9 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 22,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2020 йилнинг январь–июнь ойларида 7008 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 65,1 % га тенг демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (жамига нисбатан 42,7 %), саноат тармоғида (13,7 %), қурилиш тармоғида (9,7 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида (6,8 %), ахборот ва алоқада (4,6 %) ташкил этилган.

2020 йил январь-июнь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда



2020 йилнинг январь–июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 29521,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг индекси 98,8 %) ни ташкил қилади.

– инвестициялар ҳажми 9668,2 млрд. сўмлик (умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 54,5 %) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь–июнга нисбатан ўсиш суръати 122,4 % ташкил қилди;

– қурилиш ишлари ҳажми 5638,6 млрд. сўмлик (қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги улуши 65,6 %) ва 2019 йилнинг январь–июнга нисбатан ўсиш суръати 105,6 % ни ташкил қилди;

– хизматлар ҳажми 17171,3 млрд. сўмлик кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмидаги улуши 46,3 %) 2019 йилнинг январь–июнга нисбатан ўсиш суръати 95,4 % ни ташкил қилди;

– автомобиль транспортида 46675,2 минг тонна юк ташилиб (жами автомобил транспорти юк ташишдаги улуши 53,2 %) 2019 йилнинг январь–июнга нисбатан ўсиш суръати 102,9 % ташкил қилди;

– автомобиль транспортида 86886,1 минг йўловчи ташилиб (умумий йўловчи ташишдаги улуши 23,8 %) 2019 йилнинг январь–июнга нисбатан ўсиш суръати 93,5 % ташкил қилди;

– савдо ҳажми 13516,8 млрд. сўмлик чакана товар айланмаси шаклланиб (умумий чакана товар айланмаси ҳажмидаги улуши 67,5 %) 2019 йилнинг январь–июнга нисбатан ўсиш суръати 97,4 % ташкил қилди;


– товарлар экспорт ҳажми 1432,0 млн. АҚШ долларни (умумий экспорт ҳажмидаги улуши 52,1 %) ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан млрд.сўмда)


Туманлар бўйича энг юқори саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми Яшнобод (8529,6 млрд. сўм), Миробод (3026,2 млрд. сўм), Бектемир (2703,9 млрд. сўм), Сергели (2332,6 млрд.сўм) туманлар ҳиссасига тўғри келади.

Чилонзор (1712,7 млрд. сўм), Учтепа (1563,0 млрд. сўм) ва Яккасарой (1421,8 млрд. сўм) туманларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва улуши




2020 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Чакана товар айланмаси бўйича энг юқори ҳажм Учтепа (2095,4 млрд. сўм), Юнусобод (1681,2 млрд. сўм), Чилонзор (1454,5 млрд. сўм), Бектемир (1349,7 млрд. сўм) ва Шайхонтохур (1344,4 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, туманлар бўйича энг паст чакана товар айланмаси Яккасарой (1184,0 млрд. сўм), Яшнобод (969,3 млрд. сўм), Мирзо Улуғбек (961,7 млрд. сўм) Олмазор (949,7 млрд. сўм), Сергели (850,6 млрд. сўм) ва Миробод (676,3 млрд.сўм) туманларига тўғри келади.


**2020 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик
(бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати**



Қурилиш соҳаси бўйича энг юқори ҳажмга эга бўлган Чилонзор (736,0 млрд.сўм), Яккасарой (725,0 млрд.сўм), Сергели (669,4 млрд. сўм), Яшнобод (642,5 млрд.сўм), Юнусобод (640,7 млрд.сўм) ва Мирзо Улуғбек (584,8 млрд. сўм) туманларига тўғри келади.

Бектемир тумани (347,8 млрд. сўм), Учтепа тумани (453,9 млрд. сўм), Шайхонтоҳур тумани (498,7 млрд.сўм), Миробод тумани (501,2 млрд.сўм) ва Олмазор тумани (576,6 млрд. сўм) қурилиш соҳасида паст ҳажмга эга.


**2020 йил январь-июнь худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
инвестиция соҳаси улуши**



Инвестиция соҳаси бўйича энг юқори ҳажмлар Шайхонтохур (1680,2 млрд. сўм), Яшнобод (1149,6 млрд. сўм), Яккасарой (1106,4 млрд.сўм) ва Юнусобод (1076,3 млрд. сўм) туманларига тўғри келади.

Бектемир (441,1 млрд. сўм), Учтепа (549,1 млрд. сўм), Сергели (705,8 млрд.сўм) ва Чилонзор (753,3 млрд. сўм) туманларида инвестиция ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати



Хизматлар соҳасида энг юқори ҳажмлар Мирзо Улуғбек (2122,1 млрд. сўм), Шайхонтоҳур (2016,9 млрд. сўм), Юнусобод (1909,5 млрд. сўм), Миробод (1840,3 млрд. сўм) ва Чилонзор (1805,4 млрд. сўм) туманларига тўғри келади.

Энг паст хизмат ҳажмига эга бўлган Сергели (992,7 млрд. сўм), Бектемир (1001,8 млрд. сўм), Яшнобод (1261,0 млрд. сўм), Учтепа (1338,4 млрд.сўм) ва Олмазор (1344,9 млрд. сўм) туманлари ҳисобланади.

•
•

2020 йил январь-июнь ойларида кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида улуши, фоизда

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Чакана савдо</i>
Тошкент шаҳри	38,8	74,2	46,3	67,5
<i>туманлар:</i>				
Бектемир	34,8	84,2	89,6	94,1
Мирзо Улуғбек	33,1	67,0	56,4	76,4
Миробод	19,2	56,8	30,4	52,7
Олмазор	79,2	63,1	64,3	70,3
Сергели	71,1	92,3	64,1	61,1
Учтепа	57,7	90,3	77,9	92,0
Чилонзор	74,6	77,3	43,8	47,9
Шайхонтоҳур	31,6	66,5	55,6	58,3
Юнусобод	41,1	66,0	29,8	70,3
Яккасарой	55,2	82,1	70,0	63,7
Яшнобод	17,0	88,0	29,5	67,8

Туманлар бўйича саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича энг юқори улуш Олмазор (79,2 %), Чилонзор (74,6%) ва Сергели (71,1 %) туманларига тўғри келади.

Қурилиш бўйича энг юқори улуш Сергели (92,3 %), Учтепа (90,3 %) ва Яшнобод (88,0 %) туманларига тўғри келади.

Хизматлар соҳасида энг юқори улуш Бектемир (89,6 %), Учтепа (77,9 %) ва Яккасарой (70,0 %) туманларига тўғри келади.

Чакана савдо айланмасида энг юқори улуш Бектемир (94,1 %), Учтепа (92,0%), Мирзо Улуғбек (76,4 %) ва Олмазор (70,3%) туманларига тўғри келади.


2020 йилнинг январь–июнида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 48,4% ни ташкил қилди (2019 йилнинг январь–июнида 49,2 %), ЯХМ таркибининг пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йил январь–июнь ойлари яқунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 427 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 17,1 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 63,4 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида 38,1 % ва 40,9 %, хизматлар соҳасида 27,9 % ва 52,4 %, саноатда 31,5 % ва 42,6 % ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар қурилишда 19,5 %, савдода 21,0 %, хизматларда 19,7 % ва саноатда 25,9 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни тармоқлар кесимида баҳолаш
2020 йил январь-июнь учун, фоизда**



Иқтисодий вазият яқин уч ойда саноат корхоналари яхшиланиши 44,4 %, ўзгаришсиз 44,4 % ни, ёмонлашиш эса 11,1 % ни, ёмонлашиш эса 11,1 % ни, савдо соҳасида – яхшиланиш 59,1 %, ўзгаришсиз 30,4 %, ёмонлашиш 10,5 %, хизматлар соҳасида яхшиланиш 58,5 %, ўзгаришсиз 35,4 %, ёмонлашиш 6,1 %, ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 53,7 %, ўзгаришсиз 39,0 %, ёмонлашиш 7,3 % кутилмоқда.

**Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар
истикболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-май ойлари учун корхона ва ташкилотлар томонидан 2111,8 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди. 2019 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 73,3 млрд. сўмга кўпайган.

2020 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича йирик тижорат ташкилотларининг якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млрд. сўм	2019 йилнинг январь-майга нисбатан, % да
Жами	2111,8	96,5
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	440,6	3,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	869,7	103,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-31,3	-
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	-11,6	-
Қурилиш	112,9	112,4
Савдо	378,4	86,2
Ташиш ва сақлаш	-306,4	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-10,5	-
Ахборот ва алоқа	438,8	76,0
Молиявий ва суғурта фаолияти	80,0	106,3
Кўчмас мулк билан операциялар	8,5	13,2
Профессионал, илмий ва техник фаолият	9,4	9,6
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	28,7	52,7
Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	113,4	123,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	20,5	69,1
Таълим	10,9	43,2
Санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	-42,9	-
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2,7	-

Иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, йирик ташкилотларда кўрилган фойданинг асосий қисмини ишлаб чиқарадиган саноат йўналишидаги ташкилотлар ташкил этмоқда.

**Тошкент шаҳрида йирик тижорат ташкилотларининг
2020 йил январь-май ойларида ҳудудлар кесимида
яқуний молиявий натижалари**

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2019 йилнинг январь-майга нисбатан, % да</i>
Тошкент ш.	2111,8	96,5
<i>туманлар:</i>		
Бектемир	141,5	3,6
Мирзо Улуғбек	-29,1	-
Миробод	1037,3	113,5
Олмазор	97,6	82,5
Сергели	56,0	13,0
Учтепа	31,4	38,5
Чилонзор	61,8	27,6
Шайхонтохур	-84,1	-
Юнусобод	489,4	95,5
Яккасарой	-270,1	-
Яшнобод	580,1	3,6

Тошкент шаҳрининг йирик тижорат ташкилотлари бўйича – 2111,8 млрд. сўм, туманлар кесимида фойданинг асосий қисми Миробод – 1037,3 млрд. сўм (жами фойданинг 49,1 %), Яшнобод – 580,1 млрд.сўм (жами фойданинг 27,4 %), Юнусобод – 489,4 млрд. сўм (жами фойданинг 23,1 %) ва Бектемир – 141,5 млрд. сўм (6,7 %) туманларига тўғри келади.

2020 йилнинг январь-майда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн. сўм	жамига нисбатан, % да
Жами	275	1539821,1	100
Ишлаб чиқарадиган саноат	24	154291,4	10,0
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	2	1429,4	0,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	2	217466,4	14,1
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	1	17243,9	1,1
Қурилиш	18	23045,5	1,5
Савдо	67	223838,7	14,5
Ташиш ва сақлаш	25	658586,4	42,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	43	20555,2	1,3
Ахборот ва алоқа	12	16303,0	1,1
Молиявий ва суғурта фаолияти	3	5373,9	0,3
Кўчмас мулк билан операциялар	11	16597,7	1,1
Профессионал, илмий ва техник фаолият	18	112291,9	7,3
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	10	8821,7	0,6
Давлат бошқаруви ва мудрофаа, мажбурий ижтимоий таъминот	2	10233,6	0,7
Таълим	10	5363,1	0,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	12	2450,0	0,2
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	15	45929,3	3,0

**2020 йил январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича
зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



Зарарларнинг асосий қисми ташиш ва сақлаш – 658,6 млрд. сўм (жами зарарнинг 42,8 %), савдо -223,8 млрд. сўм (жами зарарнинг 14,5%), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 217,5 млрд. сўм (жами зарарнинг 14,1 %) фаолият турларини ташкил этади.

2020 йилнинг январь-май ойларида ҳудудлар кесимида зарар қўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар қўрган корхоналарнинг улуши жамига нисбатан, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн. сўм</i>
Тошкент шаҳри	275	100	1539821,0
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	9	3,3	3943,9
Мирзо Улуғбек	23	8,4	102448,2
Миробод	34	12,4	82120,5
Олмазор	18	6,5	31913,0
Сергели	18	6,5	42343,4
Учтепа	11	4,0	15855,0
Чилонзор	29	10,5	253497,7
Шайхонтохур	33	12	288736,3
Юнусобод	45	16,4	62669,1
Яккасарой	35	12,7	598238,5
Яшнобод	20	7,3	58055,6

Тошкент шаҳрида йирик тижорат корхоналарида 2020 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, % да
		харидор ва буюртма- чилар	етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар	ички идора вий	
Жами	348,2	295,6	8,2	13,8	0,7
Ишлаб чиқарадиган саноат	33,7	11,1	4,6	-	0,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	136,9	136,9	-	-	0,3
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	104,9	104,9	-	-	0,2
Қурилиш	1,0	0,5	-	-	-
Савдо	16,7	7,6	0,6	-	-
Ташиш ва сақлаш	10,9	10,2	0,7	-	-
Кўчмас мулк билан операциялар	2,6	0,6	2,1	-	-
Профессионал, илмий ва техник фаолият	36,0	20,3	0,1	13,8	0,1
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	3,3	3,2	0,1	-	-
Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	-	-	-	-	-
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,3	0,3	-	-	-
Молиявий ва суғурта фаолияти	1,9	-	-	-	-

Иқтисодиёт тармоқлари, туманларда ва идораларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолмоқда.

2020 йил 1 июнь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 67045,9 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 185,6 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 0,3 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида йирик тижорат корхоналарида 2020 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда ти ўтган қарз- дорлик- нинг улуши, % да
		етказиб берувчи лар ва пудрат чиларга	бюджетга тўлов- лар	давлат мақсадли фонд- ларига тўловлар	ички идора- вий	
Жами	185,6	55,1	-	-	0,1	0,3
Ишлаб чиқарадиган саноат	36,5	33,4	-	-	0,1	0,5
Савдо	77,2	6,3	-	-	-	0,9
Профессионал, илмий ва техник фаолият	65,7	10,2	-	-	-	1,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0,2	0,2	-	-	-	0,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3,4	3,3	-	-	-	1,8
Ташиш ва сақлаш	2,3	1,4	-	-	-	0,1
Қурилиш	0,3	0,3	-	-	-	0,1

2020 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодиёт тармоқлари, туманларда ва идораларда муддати ўтган кредиторлик қарздорлик, муддати ўтган дебиторлик қарздорликдан 143,0 % га юқорилигича қолмоқда.

VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)


Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра рўйхатга олинган юридик шахслар сони 93,6 мингтани ташкил қилиб, шундан 89,1 мингтаси ёки 95,2 % фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (рўйхатга олинганларнинг умумий сонидан 26,5%), саноат (16,7%), қурилиш (8,0%) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (7,2%) соҳаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тақсимооти (2020 йил 1 июль ҳолатига кўра)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	жамига нисбатан, фоизда	бирлик	жамига нисбатан фоизда
Жами	93626	100,0	89164	100,0
шу жумладан:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари	889	0,9	822	0,9
Саноат	15674	16,7	14956	16,8
Қурилиш	7491	8,0	7177	8,1
Савдо	24797	26,5	23667	26,5
Ташиш ва сақлаш	3714	4,0	3581	4,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6697	7,2	6260	7,0
Ахборот ва алоқа	3751	4,0	3558	4,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1679	1,8	1629	1,8
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	28934	30,9	27514	30,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши, фоизда (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)



Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп миқдори 26,5% савдо соҳасида, 16,8 % саноат соҳасида, 8,1 % қурилиш соҳасида, 7,0 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 4,0 % ташиш ва сақлаш, 4,0 % ахборот ва алоқа, 1,8 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 0,9 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ва 30,9 % бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган тижорат корхона ва ташкилотларнинг сони 84,1 мингта бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 66,2 мингта, хусусий корхона – 13,4 мингта, оилавий корхона – 3,2 мингта, унитар корхона – 0,6 мингта, акциядорлик жамиятлар – 0,2 мингта ва 0,5 мингта бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

**Ташкилий-хуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият кўрсатаётган
юридик шахсларнинг тақсимоти, бирликда**



2020 йил январь–июль ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони 7,2 мингтани ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 мингтага камдир.


Жами янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп қисми Чилонзор (927 та), Юнусобод (832 та), Учтепа (822 та), Мирзо Улуғбек (783 та), Шайхонтоҳур (728 та) Олмазор (717та) ва Яшнобод (592 та) туманлари ҳиссаларига тўғри келди. Аксинча, Миробод (549 та), Яккасарой (534 та), Сергели (523 та) ҳамда Бектемир (200 та) туманларида корхона ва ташкилотлар ташкил этиш кўрсаткичи паст даражани акс эттирган.

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирликда)

	2020 йил 1 июль ҳолатига қўра рўйхатга олинганлар	2020 йил январь–июнь ойларида	
		янги ташкил топганлар	тугатилганлар
Тошкент шаҳар	93626	7207	457
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	2234	200	7
Мирзо Улуғбек	10375	783	34
Миробод	8090	549	88
Олмазор	9598	717	44
Сергели	5705	523	13
Учтепа	8684	822	18
Чилонзор	11979	927	86
Шайхонтохур	9220	728	23
Юнусобод	12347	832	39
Яккасарой	8164	534	35
Яшнобод	7230	592	70

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бирликда



**2020 йил январь–июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича
янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони, birlikда
(фермер ва деҳқон хўжаликлариси)**




Кичик корхона ва микрофирмалар сони

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларнинг сони 78,9 мингдан зиёдни ташкил этган (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз). Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,7 % га ошган.


Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми 10146 birlik Чилонзор, 10102 birlik Юнусобод, 8699 birlik Мирзо Улуғбек, 8553 birlik Олмазор, 7588 birlik Учтепа, 7437 birlik Шайхонтоҳур ҳамда 7098 birlik Яккасарой туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Фаолият кўрсатаётганларнинг энг кам қисми эса 6482 birlik Миробод, 5906 birlik Яшнобод, 4964 birlik Сергели ҳамда 1968 birlik Бектемир туманлари ҳиссаларига тўғри келади

Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг туманлар кесимида улуши (фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган жами 78943 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 23414 бирлиги (29,7 %) – савдода, 14786 бирлиги (18,7 %) – саноатда, 7095 бирлиги (9,0 %) – қурилишда, 6145 бирлиги (7,8 %) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 3498 бирлиги (4,4 %) – ташиш ва сақлашда, 3464 бирлиги (4,4 %) – ахборот ва алоқа соҳасида, 1367 бирлиги (1,7 %) – соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 807 бирлиги (1,0 %) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида, шунингдек 18367 бирлиги (23,3 %) – бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, фоизда




Шундан кўришиб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кам улуш эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари турларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра хорижий капитал иштирокидаги рўйхатга олинган корхона сони 6788 бирликни ташкил этди. Ўтган йилга нисбатан фаолият кўрсатаётган корхонанинг сони 1071 тага ёки 19,7 % га ўсган. Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатга олинган корхонадан 2715 таси қўшма корхона, 3783 таси эса хорижий корхона ҳисобланади.

**Хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда**



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий капитал иштирокидаги
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, бирликда**



2020 йилнинг январь–июнь ойларининг якуни бўйича хорижий капитал иштирокидаги 544 та корхона янги ташкил қилинди. Корхонанинг сони ўтган йилга нисбатан 382 тага кам. Бунда, Россия федерацияси резидентларининг капитали иштирокидаги корхона сони – 112 тани, Туркия Республикаси – 92 тани, Хитой Халқ Республикаси – 64 тани, Қозоғистон Республикаси – 62 тани ҳамда Корея Республикаси – 40 тани ташкил қилди. Шунингдек, 2020 йилда Афғонистон Ислам Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирдилар.

Хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил топган корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони, бирликда




Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхонанинг асосий қисми савдо ва саноат фаолият турига тўғри келади, энг кам улуш эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари фаолият турига тўғри келади.

Оилавий корхоналар сони


2020 йил 1 июль ҳолатига кўра юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 3232 бирликни ташкил этди, улардан 3022 бирлик ёки 93,5 % фаолият юритмоқда.

Оилавий корхоналар сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг сони кўрилганда оилавий корхоналарнинг 38,7 % ёки 1170 таси саноат, 21,8 % ёки 658 таси савдо, 18,1% ёки 547 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 2,5 % ёки 76 таси қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжаликлари, 1,7 % ёки 51 таси ахборот ва алоқа, 1,6 % ёки 49 таси қурилиш, 1,2 % ёки 35 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,0 % ёки 32 таси ташиш ва сақлаш ҳамда 13,4 % ёки 404 таси бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келмоқда.

**Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган
ойлавий корхоналарнинг улуши, фоизда**



2020 йил 1 июль ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган ойлавий корхоналарнинг сонини кўрилганда энг катта сони саноат ва савдода, энг кичик сони эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасига тўғри келади.

VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ


2020 йилнинг январь–июнь ойларида чакана савдо товар айланмаси 20018,4 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 19,9 % га ўсиб, 6501,7 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 32,5 % ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 6793,0 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 33,9 % ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 6723,7 млрд. сўми яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 11,7 % га ўсди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 33,6 % га тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланишни қўшган ҳолда) таркиби, фоизда (2020 йилнинг январь–июнь ҳолатига)




2020 йилнинг январь–июнь ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 52,6 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,3 % ни ташкил қилди.


Нодавлат мулки 19965,8 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,7 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмда катта улушга эга бўлган Чилонзор тумани 15,2 %, Юнусобод тумани 12,0 %, Шайхонтохур тумани 11,5 %, Учтепа тумани 11,4 % ва Яккасарой тумани 9,3 % ни ташкил этган бўлса, Олмазор тумани 6,7 %, Миробод 6,4 % ва Мирзо Улуғбек тумани 6,3 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Туманларнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда



**Чакана савдо товар айланмасининг туманлар кесимида
ўсиш суръати, фоизда**




Тошкент шаҳрида чакана савдо товар айланмаси барча туманларда ўсиш кузатилган, жумладан энг катта ўсиш суръати Шайхонтохур тумани 112,0 %, Юнусобод тумани 111,2 %, Миробод тумани 105,4 % билан Тошкент шаҳрида етакчилик қилмоқда, ўсиш суръати нисбатан пастроқ кўрсаткичлар: Учтепа тумани 100,4 %, Олмазор тумани 100,1 %, Яккасарой тумани 100,1 % ни ташкил этган.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми 1000,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 91,2 % га ташкил этган. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 5,0 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Юнусобод тумани 16,5 %, Шайхонтохур тумани 11,8 %, Мирзо Улуғбек тумани 11,6 % ни ташкил этган бўлса, Учтепа тумани 4,6 % Бектемир тумани 2,0 % ва улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Туманлар кесимида умумий овқатланиш корхоналари
савдо айланмаси улуши, фоизда**



Овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 7,7 млн. сўми ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бектемир тумани (41,1 млн. сўм), Яккасарой тумани (15,6 млн. сўм), Чилонзор тумани (12,1 млн. сўм), Миробод тумани (9,2 млн. сўм), Учтепа тумани (8,3 млн. сўм) кузатилди.

Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси
(2020 йил январь-июнь, умумий овқатланишни қўшиган ҳолда)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2019 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2019 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида</i>
Тошкент шаҳар	20018,5	103,7	7707,7	117,6
<i>туманлар:</i>				
Бектемир	1433,7	100,6	41080,8	114,4
Мирзо Улуғбек	1259,2	100,7	4545,9	115,2
Миробод	1284,5	105,4	9241,0	121,4
Олмазор	1351,0	100,1	3672,2	114,4
Сергели	1391,4	100,7	6857,7	107,0
Учтепа	2277,0	100,4	8340,8	114,5
Чилонзор	3034,3	102,9	12137,1	117,5
Шайхонтоҳур	2307,4	112,0	6738,9	129,1
Юнусобод	2392,3	111,2	6940,3	125,3
Яккасарой	1858,1	100,1	15600,1	116,8
Яшнобод	1429,6	102,8	5804,2	114,3

2020 йилнинг январь–июнь ойларида улгуржи савдо товар айланмаси 26100,8 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 101,8 % ни ташкил қилди.


Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши 27,9 % га тенг бўлиб, ҳажми 7271,6 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Яшнобод тумани 15,6 %, Олмазор тумани 12,5 % ни ташкил этган бўлса, Бектемир тумани 1,9 %, Учтепа тумани 5,8 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Туманларнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда



Улгуржи савдо товар айланмаси таркиби, фоизда



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 14,1% га камайиб, 18829,6 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 85,9 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси
(2020 йил январь-июнь)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
Тошкент шаҳри	26100,8	100
<i>Туманлар</i>		
Бектемир	500,3	1,9
Мирзо Улуғбек	2564,8	9,8
Миробод	2829,8	10,8
Олмазор	3261,9	12,5
Сергели	1559,7	6,1
Учтепа	1510,0	5,8
Чилонзор	3219,4	12,3
Шайхонтохур	1655,0	6,3
Юнусобод	2219,7	8,5
Яккасарой	2705,4	10,4
Яшнобод	4074,8	15,6

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси

(2020 йил январь-июнь)

	млрд. сўм	Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида
Тошкент шаҳри	7271,6	100
<i>Туманлар</i>		
Бектемир	51,4	0,7
Мирзо Улуғбек	459,7	6,3
Миробод	498,3	6,9
Олмазор	916,4	12,6
Сергели	365,9	5,0
Учтепа	113,8	1,6
Чилонзор	1072,7	14,8
Шайхонтохур	257,9	3,5
Юнусобод	466,9	6,4
Яккасарой	851,3	11,7
Яшнобод	2217,3	30,5

Тошкент шаҳрида йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 95,5 % га ўсиб, 7271,6 млрд. сўми ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши 27,7 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси ҳажмда катта улушга эга бўлган Яшнобод тумани 30,0 %, Чилонзор тумани 14,8 %, Олмазор тумани 12,6 % ни ташкил этган бўлса, Шайхонтохур тумани 3,5 %, Учтепа тумани 1,6% ва Бектемир тумани 0,7 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси
(2020 йил январь-июнь)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
Тошкент шаҳри	6238,7	100
<i>Туманлар</i>		
Бектемир	80,7	1,3
Мирзо Улуғбек	279,0	4,5
Миробод	598,9	9,6
Олмазор	389,9	6,2
Сергели	506,0	8,1
Учтепа	174,3	2,8
Чилонзор	1521,5	24,4
Шайхонтоҳур	908,8	14,6
Юнусобод	665,9	10,7
Яккасарой	658,9	10,6
Яшнобод	454,8	7,2

